

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

Ў. Х. Мухамедов, М. Ҳ. Усмонбоева, С. С. Рустамов

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув
машғулотларини ўтказишда фойдаланишлари учун

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Тошкент 2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган.*

Тақрим зилилар:

Низомий номидаги ТДПУ ички назорат бўлими бошлиғи,
педагогика фанлари доктори, профессор **Ў. Қ. Толипов**;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар
идораларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор **И. Исмаилов**

Мухамедов Ў. X.

**М – 92 Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар:
Ўқув-услубий тавсиялар / Ў. X. Мухамедов, М. X. Усмонбоева,
С. С. Рустамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2016. – 45 б.**

Ушбу методик тавсияларда таълимни ташкил этишнинг самарадорлиги эътироф
этилган ўттиздан ортиқ замонавий интерфаол методлар, уларнинг дидактик
имкониятлари, турлари бўйича кўлланиш шартлари ва тартиби масалалари ёритилган.

Методик тавсиялар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўқитиладиган
юридик ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда
профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларини ўtkазиша фойдаланиш-
лари учун мўлжалланган.

ББК 67.99(2У)8я73.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданоқ таълим-тарбия соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимизда бу соҳада жуда улкан ишлар амалга оширилди ва бугунги кунда ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Ўқитишининг интерфаол методларини таълим тизимиға жорий қилиш замонавий кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ўқитувчи учун ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиш ва билимга чанқоқ ёшлар билан тўла аудиторияга катта ҳажмдаги билимларни беришнинг ўзи етарли эмас. Ўтказилган кўпгина тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ўқитишига янгича қараш, талабаларни ўқитишида фаол ёндашувлардан фойдаланиш билим беришнинг энг самарали йўлларидан бири ҳисобланади. Оддий сўз билан айтганда, талабалар ўқув жараёнига фаол жалб қилингандагина берилаётган материалларни осон идрок этади, тушунади ва эслаб қолади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда асосий методик инновациялар ўқитишининг интерфаол методларини қўллашни тақозо этади.

Мазкур ўқув-услубий тавсияларни яратишдан мақсад ўқитишининг айрим интерфаол методларининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, ўқув машғулотларида ушбу методларни тўғри қўллаш технологияларини ёритиш орқали профессор-ўқитувчиларга ушбу методлардан ўқув машғулотларида кенг ва тўғри фойдаланиш имкониятларини яратишдан иборат.

Ўқув-услубий тавсияларни тайёрлашда республикамиз ҳамда хорижий давлатлар етакчи педагогларининг шу соҳага оид ишларидан кенг фойдаланилди.

Ушбу тавсиялар таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига ўқув машғулотларини ўтказишда интерфаол методлардан кенг фойдаланишларига хизмат қилишидан умидвормиз.

I БҮЛІМ

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ДИДАКТИК

ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги тезкор замонда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – машғулотларни интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш, деб қаралмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлади? Қўйида ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Юқоридаги саволларга жавоб топишда дастлабки энг тўғри қадам таянч тушунча – «интерфаол» атамасининг луғавий маъноси билан танишишдир.

«Интерфаол» тушунчаси инглиз тилидаги «*interact*»(рус тилида «интерактив») сўзидан олинган бўлиб, луғавий нуқтаи назардан «*inter*» – ўзаро, икки тарафлама, «*act*» – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим

Интерфаоллик – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришлигини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам сухбат (диалог)га асосланган ва бу сухбат қуйидаги ўзаро муносабатлар шаклларида ташкил этилади:

Ўқитувчи – ўқувчи
(тингловчи ва курсант)

Анъанавий таълимдаги
сухбат иштирокчилари

Ўқитувчи –
ўқувчи(тингловчи ва
курсант)


Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда сухбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қиласи, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар бу вазиятда суст тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганида жавоб қайтариш, кам ҳолатларда (руҳсат этилганидагина) сўзлашдан иборатdir.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий тизимидағи фақат маъруза машғулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қиласи. Унга кўра, «етказиб берувчи» ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи (tinglovchi va kursant) намоён бўлади. Ўқувчи (tinglovchi va kursant), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қиласи. Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар груҳи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи (tinglovchi va kursant) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар груҳи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратадек таассурот уйғотади. Бироқ, психологияк тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, бу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади. Хусусан, американлик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра, шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни: шахс манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларни намойиш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)-ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга экан.

Анъанавий таълим беришдан фарқли ўлароқ, интерфаол ўқитиши «таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар груҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмасиши имкониятига эгалик асосида ташкил

этлади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарапарини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўкув материаларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, «ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гурухи»нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб- қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади»¹.


Замонавий таълим, жумладан унинг тобора оммалашиб бораётган шакли – интерфаол ўқитишда сухбат (диалог) қуйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:




Интерфаол таълим, ўз мохиятига кўра, сухбатнинг «ўқувчи (tinglovchi va kursant) – ахборот-коммуникацион технологиялар» шаклида ташкил этилиши ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигига ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакалар ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитишнинг интерфаол таълимга асосланиши бир қарапда ниҳоятда оддий, содда ва ҳатто «болалар ўйини» каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:

¹ Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иногомова Д. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб: Методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – Б.122.



Шу билан бирга, ўқитишда интерфаол таълимнинг самарадорлиги қуйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчilarнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш

йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Одатда интерфаол методларга асосланган таълимий ҳаракатлар қўидаги шаклларда ташкил этилади:
индивидуал; жуфтлик; гурӯҳ; жамоа билан ишлаш


Интерфаол таълим жараёнида ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар:

- гурӯҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гурӯҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- ўз ички имконият ва қобилияtlарини тўлиқ намоён қила олиш;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;
- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш

Интерфаол таълим:

- таълим олувчи (ўқувчи, тингловчи ва курсант)ларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир ўқувчи (тинглович ва курсант)нинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг хулқ-атвори ижобий томонга ўзгаришини таъминлади

Интерфаол таълимнинг асосий белгилари қўидагилардан иборат:



Изоҳ: Рефлексия (лотинча «reflexio» – ортга қайтиш, акс этиш) – кишининг ўз хатти-ҳаракатлари, уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш¹.

Интерфаол таълим қўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гурӯҳнинг тажрибаси ўқитувчи (педагог)нинг тажрибасидан кўп.
3. Ўқувчилар ёши, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир ўқувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш хуқуқига эга.
5. Машғулотда ўқувчи шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
6. Билдирилган гоялар ўқувчиларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қиласди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун ўқитувчи (педагог)лар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:



Изоҳ: Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилганда кичик доирада ўқувчилар, катта доирада эксперт гурухи жойлашади.

¹ Қаранг: Эркабоева Н., Усмонбоева М., Иргашова М., Хўжсаназарова Н. Педагогик маҳорат: схема ва расмларда: Методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – Б.14.

Бугунги кунда жағон таълим тизимида интерфаол үқитишининг қуидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:



Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади. «Таълим жараёнида ўқувчилик ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш, таълим олувчилик томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиласиган методлар интерфаол методлар саналади¹. Ўқув-услубий тавсияларнинг кейинги бўлимида интерфаол методлар, уларнинг моҳияти, қўлланиш шартлари ва дидактик имкониятлари тўғрисида сўз юритамиз.

¹ Қаранг: Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иногомова Д. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб: Методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – Б.140–141.

П Б ЎЛИМ

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

«АҚЛИЙ ҲУЖУМ» стратегияси

Стратегия ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишини рағбатлантиради. Унинг ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг ўзларини эркин хис этишларига шароит яратиб бериш, ғояларни ёзиб бориш учун ёзув тахтаси ёки қоғозларни тайёрлаб қўйиш

Муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш

Машғулот жараённида амал қилинадиган шартларни белгилаш

Билдирилаётган ғояларни уларнинг муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш, қоғозлар фоя (ёки фикр)лар билан тўлдирилгандан сўнг ёзув тахтасига осиб қўйиш

Билдирилган фикр, янги ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда бўлишига эътибор қаратиш

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг бошқалар билдирилган фикрларни ёдда саклаши, уларга таяниб янги фикрларни билдириши ва улар асосида муайян хulosаларга келишига эришиш (билдирилаётган ҳар қандай фоя баҳоланмайди)

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан мустақил фикр юритилиши, шахсий фикрларнинг илгари сурилиши учун қулай мухит яратиш

Илгари сурилган ғояларни янада бойитиши мақсадида ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни қувватлаш

Бошқалар томонидан билдирилган фикр (фоя)лар устидан кулиш, кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик

Янги ғояларни билдириш давом этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишига шошилмаслик

Машғулотда стратегияни қўллашда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан мантикий фикрлар билдирилишига эришиш

Ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва тингловчи) томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

Ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант) ўзининг шахсий фикрига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин хозирлайди, туғилишига олиб келади

Машғулотда ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди (зоро, фикрлар баҳоланиб борилса, ўқувчи (талаба)лар дикқатларини шахсий фикрларини химоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурilmайди; методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишдир)


«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» график органайзери (ГО)

График органайзер ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш қўнималари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қўйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар кичик гурухларга бириктирилади;
- 3) гурухлар топширикларни бажаради;
- 4) гурухлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гурухларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Үқувчи (тингловчи ва курсант)лар топшириқларни қуидаги тасвир асосида бажаради:



«БАХС-МУНОЗАРА» стратегияси

«Бахс-мунозара» стратегияси икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вакт оралиғида ва қатый қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, үқувчи (тингловчи ва курсант)ларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилияtlарини шакллантиришга хизмат қиласи. Үқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Уни қўллашда қуидаги тартибда иш кўрилади:

Баҳс-мунозара учун танланган мавзу үқувчи (тингловчи ва курсант)ларга олдиндан маълум қилинади

Жараён ўқитувчи (ёки бошловчи) томонидан бошқарилиб борилади

Үқувчи (тингловчи ва курсант)лар индивидуал, гурух (жуфтлик) номидан баҳс юритилаётган масала бўйича шахсий мулоҳазаларини баён қиласи

Баҳсда масаланинг моҳияти, ечими бўйича бир-бирига зид фикрлар илгари сурилади

Ечим бўйича асосий фикрни баён этадиган үқувчи (тингловчи ва курсант)ларга 10 дақиқа, кўшимча қилиш истагида бўлганларга эса 5 дақиқадан вақт берилади

Ўқитувчи (бошловчи) томонидан баҳс-мунозара юзасидан якуний хulosा билдирилади

Изоҳ: 1) бир ўқувчи (тингловчи ва курсант)га икки марта сўзга чиқишига рухсат этилмайди;

2) ўқитувчи (бошловчи) ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.

«БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ» (БББ) график органайзери

«БББ» график органайзери ўқувчи (тингловчи ва курсан)ларга муайян мавзу бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гуруҳлар фаолияти қўйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:




Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қофозида ўз аксини топган қўйидаги схема асосида ташкил этилади:


Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

График органайзердан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади:

Ўқувчиларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади



Ўқувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади



Ўқувчилар мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тафсилоти қўйидагича:

- 1) ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар кичик гурухларга бириттирилади;
- 2) ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;
- 3) ўқувчилар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
- 4) ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;
- 5) ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- 6) ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлардан ўқувчиларни хабардор қилади;
- 7) ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилган янги тушунчалар аникланади;
- 8) баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- 9) машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади

«БЛИЦ-СЎРОВ» методи

«Блиц-сўров» (инглизча «бліц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятини очиб беришни талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради

Гуруҳ (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб қайтаради, унинг гурухдошлари жавобни тўлдиради (бироқ, фикрлар такрорланмаслиги лозим)

«Блиц-сўров» методини қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар

томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мүмкін.

«БУМЕРАНГ» стратегияси

«Бумеранг» технологияси ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларини эркин баён этиш, қисқа вақт ичидаги кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қиласи. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гурухли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, аудиторияда ташкил этиладиган сухбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради. Бу технологиядан сухбат-мунозара шаклидаги дарсларда индивидуал, жуфтлик, гурухли ва жамоавий шаклларда фойдаланиш мүмкін. Бошқа интерфаол методлар каби таълим жараёнида мазкур технологияни қўллаш ҳам муайян тартибда амалга оширилади. Яъни:

Кичик гурухлар ташкил этилиб, технологиядан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади

Ҳар бир гурухга мустақил ўрганиш учун рақамли матн тарқатилади

Гурухлар ўзларига берилган топшириқ асосида ўқув материалини ўзлаштиради

Кичик гурухлар қайта ташкил этилади

Ўқувчилар кичик гурухларда навбат билан ўзлари мустақил ўрганган матнлар ҳақида бир-бирларига маълумот бериб, тенгдошлари томонидан ўрганилган матнларни ҳам ўзлаштиради; ўқувчилар томонидан ўқув материалининг самарали ўзлаштирганлигини аниклаш учун савол-жавоб асосида ички назорат ўтказилади

Гурух аъзолари ўзларининг «дастлабки гурухлари»га қайтади

Гурухлар томонидан тўпланган балларни ҳисоблаб борувчи «Гурух ҳисобчиси» тайинланади

Ўқитувчи мавзу бўйича саволлар бериш, оғзаки сўраш асосида ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар томонидан унинг самарали ўзлаштирганлигини аниқлайди

Саволларга берилган жавоблар асосида гурухлар томонидан тўпланган баллар умумлаштирилади ва гурух аъзолари ўртасида тенг тақсимланади

«ВЕНН ДИАГРАММАСИ» график организатори

График организатор ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий маҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:




График организатор ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш яхши самара беради.

Уни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:




График организаторни қўллаш жараёнида ҳар бир гурӯҳ муайян мавзуга оид топшириқларни бажаради. Ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг эътиборларига қўйидаги жадвал тақдим этилади:

Гурӯҳлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топшириқлар мазмуни
1- гурӯҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гурӯҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гурӯҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гурӯҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

«ВИДЕО ТОПИШМОҚ» стратегияси

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида ўқитишида турли ахборот воситаларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси туради.

«Видео топишмоқ» стратегиясидан фойдаланишида қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларга ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш қилинади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайди

Ўқувчи (тингловчи ва курсант) видео лавҳаларда акс этган жараён, ходиса ёки воқеликларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этади


Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтаради

Видео лавҳалар намойиш қилингач, ўқувчи (тингловчи ва курсант)лардан лавҳада қандай жараён, ҳодиса ёки воқелик акс этганлиги, қайси бадиий асар қаҳрамони ёки тарихий шахс ифодаланганлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видео топишмоқнинг жавобини топиш орқали ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўрганиладиган янги мавзу хақида тасаввурга эга бўладилар.

«ЯГОНА ДАВРА» стратегияси

«Ягона давра» стратегияси ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларини асослаш, хулоса чиқариш қобилиятини тарбиялашга хизмат қиласи. Мавзу юзасидан ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрини билиш муҳим. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант) фикр билдириётганда унинг сўзини бўлиш, қўшимча қилиш ҳеч кимга, ҳатто ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди.

Стратегияни қўллашда қўйидаги шартларга риоя этиш шарт:




Ўқитувчи муҳокама якунида билдирилган фикрларни умумлаштириши, ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг иштирокини кўрсатиб ўтиши мумкин. Стратегия, одатда, машғулотнинг бошлиниши ёки якунида қўлланилади.

«ДЕБАТ» методи

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қиласи.

Ўқув машғулотларида дебат қуидаги тартибда уюштирилади:



«ЁЗМА ИШ» стратегияси

«Ёзма иш» стратегияси ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларда мустақил, ижодий фикрлаш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради ва ҳар бир ўқувчини мустақил равишда фаолият юритишини таъминлайди.

Таълимда ушбу стратегияни қўллашда ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларга қуидаги схема асосида иш кўриш таклиф қилинади:

1. Ким ёки нима ҳақида ёзмоқчи эканлигинизни аниқ белгилаб олинг!
2. Иншо (ҳикоя, мақола) учун мос сарлавҳа топинг!
3. Иншо (ҳикоя, мақола)нинг қораламаси (хомаки нусхаси)ни тайёрланг!
4. Иншо (ҳикоя, мақола)нинг хомаки нусхасини қайта ўқиб чиқиб, хатолари бўлса тузатиш киритинг!
5. Иншо (ҳикоя, мақола) матнини оқка кўчиринг!
6. Иншо (ҳикоя, мақола)ни жамоадошларингизга ўқиб беринг!

Стратегия асосида ишлаш учун ўқувчи (тингловчи ва курсант)-ларга 9-10 дақиқа вақт берилади.

Уни кичик гурухларда ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни гурухларга бириттириш учун рақамли карточкалардан фойдаланиш қулай. Ҳар бир кичик гуруҳ алоҳида мавзулар асосида ҳикоя, эссе ёки мақолаларни тайёрлаши мумкин. Ҳикоя, эссе ёки мақолаларни тайёрлашда гуруҳ аъзоларининг биргалиқда, ўзаро фикр алмасиб фаолият юритишларига эришиш мақсадга мувофиқдир. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳнинг иши тақдимот асосида намойиш этилади. Ўқитувчи ҳикоянинг мазмуни, савияси ва орфографик хатоларига эътибор берган ҳолда гуруҳ ишини баҳолайди.

Стратегияни қўллаш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

Ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант), жуфтлик ёки гурухга ўрганилган мавзуга оид бир неча таянч тушунча ёки мавзулар ёзилган карточкалар тарқатилади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант), жуфтлик ёки гурух карточкада кўрсатилган тушунча ёки мавзулардан бирини танлаб, у асосида кичик ҳикоя, эссе ёки мақола тайёрлайди

Агар ўқувчи (тингловчи ва курсант), жуфтлик ёки гурухга бир неча таянч тушунча (сўз)лар тақдим этилса, яратилган ҳикоя, эссе ёки мақолада ушбу таянч тушунчалар иштирок этиши зарур

Ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант), жуфтлик ёки гурух ҳикоянинг аввал қораламасини ёзади

Ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант), жуфтлик ёки гурух ўзи томонидан тайёрланган ҳикоя, эссе ёки мақолани текшириб чиқиб, оққа кўчиради

Ҳикоя, эссе ёки мақола тайёрлаш учун ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант), жуфтлик ёки гурухга аввал ўзи билган, таниган, эшитган, ўқиганларини ёдга олиш ва улар ҳакида ёзиш тавсия этилади

«ЖАДВАЛ» график органайзери

«Жадвал» график органайзер методи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда ўрганилаётган мавзу, мухокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қиласи. Уни қўллашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки

баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.

Машғулотда график органайзерни қўллаш бўйича ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларга қўйидаги жадвал намунасини тақдим этиш мумкин:

Моҳияти	Ижтимоий тарбия турлари				
	Маънавий-ахлоқий тарбия	Ақлий тарбия	Жисмоний тарбия	Эстетик тарбия	Мехнат тарбияси
Мақсади					
Вазифалари					
Ўзига хос жиҳатлари					

«ИНСЕРТ» график органайзери

«Инсерт» график органайзер методи янги мавзу бўйича ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Уни қўллашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар қўйидаги схемалар билан ишлайди:

1. Матн гуруҳларнинг фикрлари билан қиёсий таққосланганда:

Махсус белгилар	Махсус белгиларнинг маъноси
З	Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса
С	Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса
?	Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)

2. Лидерларнинг ҳисботидан сўнг гуруҳларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари	Гуруҳларнинг номлари			
	Коперник	Галилей	Форобий	Ибн Сино
1.				
2.				
3.				

График органайзерни қўллашда қўйидаги харакатлар амалга оширилади:

Кичик грухлар шакллантирилиб, улар номланади

Хар бир грухдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади

Грухлар навбатма-навбат мулоҳазаларини баён этади

Баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади

Сўнгра ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни грухларга тарқатади

Грухлар матн билан танишиб, матн ва ўзлари билдирган фикрларнинг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайди (ўхшашлик ва фарқлар маҳсус белгилар ёрдамида ифодаланади)

Грух аъзолари ўз шахсий қарашларини ифода этади ва маҳсус белгилар сони умумлаштирилади

Грух аъзолари орасидан лидерлар белгиланади

Лидерлар синф жамоасини грух натижалари билан таништиради

Грухларнинг ёндашувлари умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади


“CASE-STUDY” методи

“Case-study” (инглизча “case” – *вօքеа, ҳодиса*, “study” – *ўрганиш, ўқиши, ўқимоқ* сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган.) методи аниқ, реал ёки сунъий яратилган вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод тингловчи-курсантларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали ўқитувчи томонидан тингловчи-курсантларга билимларни тайёр ҳолда етказиш ёки ечимларни бериш эмас, балки уларни ҳал этишнинг энг мақбул варианtlарини топиш кўникмаларини шаклланти-

ришга хизмат қилади. Яъни, тингловчи-курсантларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга муаммоли вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга, унинг ечимини топиш учун мустақил изланишга ҳамда аниқ ёки муқобил қарорлар қабул қилишга ўргатади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор-бир жараённи тадқиқ этишда босқич-ма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

Технология негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуидагилар: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва ўқувчи (tinglovchi va курсант) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

Кейс-стади технологиясининг умумий тузилиши қуидагича:




Машғулотларда методни қўллаш қуидаги босқичларда кечади:




Кейс-стади бўйича жамоавий ҳамкорлик қўйидаги тартибда амалга ошади:


Жамоа (гурух) аъзолари муаммо, унинг ечимлари юзасидан ўзаро фикр алмашади



Масаланинг ечими сифатида тақдим этилган вариантлар мухокама қилиниб, уларнинг мақбуллиги баҳоланади



Муаммоли вазиятнинг ечимини таъминлайдиган аниқ дастур ишлаб чиқилади



Масаланинг ечими тўғрисида маълумот берадиган тақдимот тайёрланади ва унда намойиш этиладиган материаллар расмийлаштирилади

Технологияни алоҳида ўқувчига нисбатан қўллаш тартиби қўйидагича:

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)нинг технологиянинг моҳияти, уни қўллаш шартлари билан танишиши

Ўқувчи (tinglovchi va kursant) томонидан тақдим этилган муаммонинг ўрганилиши

Муаммо бўйича асосий ва 2-даражали масалаларни ажратиш, шакллантириш, асослаш

Тадқиқот методларини танлаш ва вазиятни таҳлил қилиш

Тақдим этилган муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганиш

Берилган муаммони ечишнинг усул ва воситаларини аниqlаш

Тақдим этилган ечимни таълим амалиётига тадбиқ этиш чора-тадбирларини белгилаш

Таълимий характерга эга муаммоли вазият (ўқув кейси)ни ташкил этиш мақсади мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жамоа ўртасида муаммоли вазиятни яратиш, уни ҳал қилиш ечимлари тўғрисидаги фикрларни жамлаш, мухокама қилиш орқали тўғри қарорлар қабул қилиш муҳитини яратишдан иборат.

Технология ёрдамида танланган муаммонинг ечимини топишга доир мухокама қуидаги босқичларда ташкил қилинади:

Кейс мазмуни билан шахсан танишиш



Кичик гурӯхларда мухокама қилиш («Синдикат» методи ёрдамида)



Жамоа ўртасида умумий мухокамани ташкил этиш

Муаммони мухокама қилишда эътиборни қуидагиларга қаратиш зарур:

Ўрганилаётган муаммонинг асосий мақсадини аниқлаш

Муаммоли вазиятни реал ҳолатлар билан таққослашни ўрганиш

Эҳтимоли бўлган «тўсиқ»лар (2-даражали масалаларни мухокама қилиш, тўғри қарорлар қабул қилиш ва х.к.)ни аниқлаш

Аудитория учун тушунарсиз маълумотларни аниқлаш

Муаммони ечишда муҳим, аҳамиятга эга маълумотни аниқлаш

Муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун оралиқ босқичларни илғаб олиш

Муаммони ҳал этишнинг муқобил йўлларини белгилаш

Муаммоли вазиятни мухокама қилиш вақтини аниқлаштириш

Мухокамани тугатиш тартибини белгилаш

Якуний изоҳлаш ва мухокама натижасини хulosалаш

III
A
R
T

«БЕШ МИНУТЛИ ЭССЕ» стратегияси

«Беш минутли эссе» стратегияси кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қиласди. У ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўрганилган мавзу, мухокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Беш минутли эссени яратишида ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хulosаларни баён этиш имконига эга бўлади.

Машғулотларда стратегияни қўллаш қўйидаги тартибда йўлга қўйилади:

Ўқитувчи беш минутли эссени яратиш учун муаммо ёки масалани танлайди

Ўқитувчи танланган муаммо (масала) билан ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни таништиради

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар муаммо (масала)нинг умумий моҳияти юзасидан фикр юритади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар шахсий фикрларини баён этиш усулини белгилаб олади

Ҳар бир ўқувчи (tinglovchi va kursant) беш минутли эссени яратади

Беш минутли эссе синф (гурух) жамоасининг эътиборига ҳавола этилади

Синф (гурух) жамоаси аъзолари эссе юзасидан ўз фикрларини билдиради

«КЛАСТЕР» график органайзери

«Кластер» (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

График органайзердан фойдаланишда қўйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:


Нимани ўйлаган бўлсангиз, уни қоғозга ёзинг! Фикрингизнинг сифати ҳакида ўйлаб ўтирамай, шунчаки ёзиб боринг!

Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг!

Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг! Агар маълум муддат ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг! Бу харакатни янги ғоя туғилгунига қадар давом эттиринг!

Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқликни кўрсатинг!

График органайзер ёрдамида ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар топшириқ бўйича фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида қўйидагича ифодалайди:



«КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ» график организери

«Концептуал жадвал» график организери ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни ўрганилаётган мавзу (masala ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларнинг мавзу юзасидан мантикий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида график организердан қўйидагича фойдаланилади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (masala)ни аниқлайди

Ўқувчилар мавзу ва Годан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар кичик групкаларга бириттирилади

Групкалар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Групкалар ечимни синф (груп) жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Групкаларнинг ечимлари синф (груп) жамоасида муҳокама қилинади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар эътиборига қўйидаги намуна-ни тавсия этиш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

«КУНДАЛИК» стратегияси

«Кундалик» стратегияси методини қўллашда ўқувчи (tinglovchi va kursant)лардан ташкил этилган «Сифат гурухи» аъзоларининг ҳар бирига ён дафтарча тарқатилади. Дафтарчаларга ҳафтанинг муайян кунида муҳокама қилинаётган муаммога оид туғиладиган ғоялар ёзиб борилади. Жамоа аъзоларининг қайдлари гуруҳ сардори томонидан таҳлил қилиб борилади. Тўпланган материаллар ҳафтанинг якунида синф (гурух) жамоаси йиғилишида муҳокама қилинади.

Ушбу стратегиянинг аҳамиятли жиҳати шундаки, биринчидан, пайдо бўлган ғоя ёки ихтиорчилик таклифлари «Жамоа (ёки гурух) таклифи» номини олади; иккинчидан, барча ноаниқ ва турли нуқтаи назардан иборат фикрлар гурух йиғилишига қадар ойдинлаштирилади. «Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас!» тарзида кескин билдирилган фикрлар бир қадар «юмшатилади». Муҳокамага, одатда, «меъёрлаштирилган» фикрлар олиб чиқилади.

«МОДЕЛЛАШТИРИШ» методи

«Моделлаштириш» («modulus» – ўлчов, меъёр) методи ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантиқий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинаётган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белги)лар ёрдамида ифодалаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи.

Уни қўллашда танланган обьект моҳияти, муҳим хусусиятлари, устувор жиҳатларини тўла очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Машғулотда методдан фойдаланиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини пухта англаб олади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини тўлақонли ифода этадиган асосий жиҳатлар, таянч тушунчаларни ажратади

Таянч тушунчалар ёрдамида умумий модел яратилади

Ҳар бир ўқувчи (талаба) модел ёрдамида ўрганилган мавзу (масала, муаммо)нинг моҳияти тўғрисида жамоага маълумот беради

Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан таклиф этилган моделнинг мақсадга мувофик яратилганлиги, мавзу (масала, муаммо) моҳиятининг очиб берилиши жамоа томонидан муҳокама қилинади

«МУАММОЛИ ВАЗИЯТ» стратегияси

«Муаммоли вазият» стратегияси ўқувчи (tinglovchi va kursant)-larни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳдил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Машғулотлар жараёнида «Муаммоли вазият» стратегиясини қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Мавзу юзасидан муаммоли вазиятларни шакллантириш

Муаммоли вазият мазмуни билан ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни таништириш

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни кичик гурӯх (жуфтлик)ларга ажратиш

Гурӯх (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият ечимини топиш бўйича амалий фаолиятнинг ташкил этилиши

Гурӯх (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият юзасидан ўз ечимларининг баён қилиниши

Гурӯх (жуфтлик)ларнинг ечим борасидаги фикрларини умумлаштириш

Гурӯх (жуфтлик)лар томонидан тақдим этилган ечимларнинг мақбуллик даражасини ўрганиш (оммавий муҳокама қилиш, эксперталар муҳокамасидан ўтказиши)

Энг тўғри, мақбул ечимни аниқлаш

«МУАММО» стратегияси

«Муаммо» стратегияси ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни мавзудан келиб чиқиб, турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг тўғри ечимини топиш, муаммо моҳиятини аниқлашга доир малакаларини шакллантириш, уни ечишнинг айрим усуллари билан таништириш, ечимни топиш учун мос усулларни тўғри танлаш, муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, шунингдек, ечимни топишга йўналтирилган ҳаракатларнинг мақсаддага мувофиқлигини аниқлашга ўргатади.

Таълим жараёнида стратегияни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни гурухларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштиргандан сўнг, машғулотни ўtkазиш қоидаси билан танишиди

Ҳар бир гуруҳ аъзоси расм ёки матндан ҳаётий лавҳа бўйича биргаликда аниқланган муаммони ватман қофозларга фломастер ёрдамида ёзади

Берилган вақт ниҳоясига етгач, гурухлар ўз ишларини намойиш қиласди

Ўқитувчи гурухлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қофозларни алмаштирган ҳолда гурухларга қайта тарқатади

Ҳар бир гуруҳ аъзоси қофозларда ёзилган муаммолар орасидан ўзини қизиктирган муаммони танлаб олиб, уни ўқитувчи томонидан тавсия қилинган жадвалда қайд этади ва таҳлил қиласди

Синф (гурух) жамоаси ўқитувчи раҳбарлигига гурухлар ҳамда ҳар бир ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг ишини муҳокама қилиб, энг яхши ишни танлайди

Ўқитувчи машғулотга якун ясади

Изоҳ: 1. Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни стратегиядан фойдаланиш қоидалари билан таниширишда машғулотнинг босқичли бўлиши, ҳар бир босқичда ўқувчи (тингловчи ва курсант)дан эътиборли бўлиш талаб қилиниши, машғулот давомида улар якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларига урғу бериб ўтиши лозим. Бундай йўл тутиш ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришга руҳан тайёр бўлишларига ёрдам беради, уларда қизиқиш уйғотади.

2. Стратегия асосида ишлашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан машғулот учун тайёрланган плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, дарслик, ёрдамчи адабиётлардан бирор-бир материални ўрганиб, унда ёритилган муаммоларни аниқлади ва уларни хотирада саклаб қолади ёки дафтарларга белгилаб қўяди.

3. Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар топшириқни индивидуал равища бажаришлари учун ўқитувчи томонидан қўйидаги жадвал тавсия этилади:

Муаммо тури	Муаммонинг келиб чиқиши сабаблари	Муаммонинг ечиш йўллари (амалий ҳаракатлар)
1.		
2.		
...		

«НИЛУФАР ГУЛИ» технологияси

Ушбу технология дидактик муаммоларни ёчишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос ва унга бириккан тўққизта «гулбарг» (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)-ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

Ўқувчиларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантирувчи ушбу технологияни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Хал этиладиган масала аниқлаштирилади

Ўқувчилар топшириқ мазмуни ва уни ёчиш шартлари билан таништирилади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар кичик гурӯҳ (ёки жуфтлик)ларга бириктирилади

Гурӯҳ ёки жуфтлик аъзолари марказий тўртбурчак (квадрат, айлана)да асосий муаммо (ғоя, вазифа)ни қайд этади

Гурӯҳ (жуфтлик)лар масаланинг ёчими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айлана) атрофида саккизта шундай кўшимча чизмаларни ҳосил қиласи (уларда масаланинг хусусий ёчимлари баён этилади)

Кўшимча чизмалардаги ғоялар гулнинг «гулбарглари»га, яъни шундай алоҳида мажмуага олиб чиқади (уларнинг ҳар бири яна бир муаммо кўринишини олади)

Ёрдамчи чизмалардаги етакчи муаммо (ғоя, вазифа) атрофидаги «гулбарглар»да хусусий масала ва ёчимлар акс эттирилади

Ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор тақрорланиши мумкин

Ҳар бир гурӯҳ ёки жуфтликлар топшириқ юзасидан ўз ёчимларини тақдимот тарзида баён этади

Гурӯхларнинг ёчимлари муҳокама қилиниб, энг тўғри вариант аниқланади

Ўқитувчи ҳар бир гурӯҳ ишига баҳо бериб, машғулотни якунлайди

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларга қуидаги схема намуна сифатида тақдим этилади:

	B	

	Z	

B	Z	C
D	A	F

G	H	Y

	Z	

B	Z	C
D	A	F
G	H	Y

	H	

	C	

	F	


	Y	

«САВОЛ-ЖАВОБ» методи


«Савол-жавоб» методи мавзунинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлик.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуидаги тартибда амалга оширилади:


Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу юзасидан саволлар тайёрлайди



Ўқитувчи саволларни ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар эътиборига ҳавола этади



Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади




Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил қилиб, баҳолайди ва машғулотга якун ясайди

«СWOT-ТАХЛИЛ» стратегияси

«Свот-тахлил» стратегияси муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

«Свот-тахлил» стратегияси ёрдамида муаммонинг қўйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:



Машғулотларда стратегияни қўллаш тартиби қўйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни стратегиянинг моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни кичик гурухларга ажратади

Гурухларга бир хил ёки бир неча хил муаммони ҳал этиш топшириғи берилади

Топшириқни бажариш учун вақт (6–10 дақиқа) белгиланади

Гурухлар топшириқни бажаришга киришади

Белгилangan вақт нихоясига етгач, ҳар бир гурухдан 1 нафар вакил гурух иши билан жамоани таништиради

Гурухларнинг ишлари ўқитувчи ва жамоа томонидан муҳокама қилинади

Ўқитувчи жамоанинг фикрига таянган ҳолда энг яхши ишни эълон қилади

Ўқитувчи ҳар бир гурух ишига баҳо беруб, машғулотни якунлайди

Изоҳ: Стратегияни қўллашда муайян қийинчиликларнинг келиб чиқиши эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолларда ўқитувчи стратегиянинг асосий моҳияти ёки бирор босқичини ўқувчининг ёшига мослаб, унга тушунарли сўзлар билан ифодаласи (ўзгартириши) мумкин. Ўқитувчи томонидан ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларга стратегиянинг моҳияти, афзалликлари ҳақида етарлича маълумот берилиши улар томонидан ҳал этиладиган муаммо моҳиятининг тўла тушунилишини таъминлаш ва кутилган натижага ёрдам беради.

«СУҲБАТ» методи

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар ўртасидаги диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулокот ташкил этади. Методнинг афзаллиги суҳбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (tinglovchi va kursant)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулокотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмасиш имконини беради.

Методни қўллашда қўйидаги тартибда иш кўрилади:

Ўқитувчи ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни метод моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар саволлар билан таништирилади

Ўқувчи (tinglovchi va kursant)лар саволлар юзасидан мuloҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади (агар ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларнинг жавоблари қоникарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; борди-ю, жавоб қоникарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчи (tinglovchi va kursant)га айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, суҳбат жараёнига якун ясалади

Ўқитувчи ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга якун ясади

«СХЕМА» стратегияси

Ушбу стратегия ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала моҳиятининг асосий хусусияти ёки белгиларини схема, тасвир ёки расм орқали ифодаланишини таъминлайди. Уни қўллашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)дан масалага ижодий ёндашиш тақозо этилади. Топшириқни бажариш жараёнида ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича ўзлаштирган назарий билимларини ёдга олади, энг муҳим хусусияти, белгиларини аниқлайди, уларни умумлаштиради ёки таркибий қисмларга ажратган ҳолда схема яратади. Ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу стратегия ғоянинг қисқа, аниқ ифодалиниши учун шароит яратади.

Машғулотларда «Схема» стратегиясидан фойдаланиш тартиби қўйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни стратегиянинг моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни кичик гуруҳларга бўлади

Кичик гуруҳларга мавзу юзасидан схемаларни яратиш топшириғи берилади

Топшириқни бажариш учун вақт (10–15 дақиқа) белгиланади

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, гуруҳлар ўз ишларини намойиш этади

Кичик гуруҳларнинг ишлари жамоа томонидан ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва энг яхши иш аниқланади

Ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда энг яхши ишни эълон қиласди

Ўқитувчи кичик гуруҳлар ишини баҳолаб, машғулотни яқунлайди

«ТАҚДИМОТ» стратегияси

Ушбу стратегия ўрганиладиган мавзу моҳиятининг компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар ёрдамида очиб берили-

шини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Стратегия ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.

Таълим жараёнида «Тақдимот» стратегиясини қўллаш тартиби қўйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни стратегиянинг моҳияти билан таниширади

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни кичик гурухларга ажратади

Кичик гурухларга мавзу юзасидан муайян топшириқлар берилади

Топшириқни бажариш учун вақт (10–5 дақиқа) белгиланади

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, гурухлар ўз ишларини намойиш этади

Кичик гурухларнинг ишлари жамоа томонидан ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва энг яхши иш аниқланади

Ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда энг яхши ишни эълон қиласди

Ўқитувчи кичик гурухлар ишини баҳолаб, машғулотни якунлади

Изоҳ: 1. Ўқитувчи кичик гурухларга бир ёки бир нечта мавзуни тавсия этиши мумкин.

2. Гурухлар, гарчи бир мавзу бўйича фаолият кўрсатсалар-да, бироқ улар топшириқни турли (кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм, диаграмма ва б.) шаклларда бажаради. Бу эса ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан мавзуни янада чукур ва пухта ўзлаштирилишига ёрдам беради.

«ТЕСТ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Тест» (инглизча «синов», «текшириш») технологияси шахснинг психологик, физиологик ва шахсий хусусиятлари, интеллектуал салоҳияти, қобилияти, кўникма ва малакаларини баҳолашга хизмат қиласди. Технология ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан муайян мавзу мазмуни ёки фан асосларининг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлашда самарали ҳисобланади.

Машғулотларда технологиядан фойдаланиш қуидагиңа кечади:

Үқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни технологиянинг моҳияти билан таништиради

Кичик гурӯхларга мавзу юзасидан тестлар берилади

Топширикни бажариш учун вакт (10–15 дақика) белгиланади

Белгиланган вакт ниҳоясига етгач, үқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг жавобларини таҳлил қилиб баҳолайди

Үқитувчи таҳлил натижаларини эълон қиласди

Үқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг жавобларини баҳолаб, машғулотни яқунлайди

«Т-ЖАДВАЛ» график органайзери

«Т-жадвал» график органайзери таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график органайзер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Машғулотларда «Т-жадвал» график органайзеридан фойдаланиш учун ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг эътиборига қуидаги схема тақдим этилади:

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
Афзаллиги	Камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

«ЧАРХПАЛАК» стратегияси

«Чархпалак» стратегияси методи ўқувчи (тингловчи ва курсант)-ларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини

баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўқувчи (tinglovchi va kursant)-ларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гурух ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини хурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Машғулотларда стратегияни қўллаш тартиби қўйидагича:

Ўқитувчи ўқувчи (tinglovchi va kursant)ларни стратегияни қўллаш тартиби билан танишириб, уларни гурухларга ажратади

Гурухларга тарқатма материаллар ва улар асосида топшириклар берилади

Топширикни бажариш учун вакт (10–15 дақика) белгиланади

Аъзолар гурух таркибида индивидуал равишда тарқатма материалда кўрсатилган вазифани бажаради (бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гурухнинг раками, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини кўяди)

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар бошқа гурухлар билан «Чархпалак айланмаси» йўналишида алмаштирилади

Хар бир гурух томонидан янги материал мазмуни ўрганилади ва ўзгартирилади

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатма материаллар яна бир бор бошқа гурухлар билан «Чархпалак айланмаси» йўналишида алмаштирилади (гурухлар ўртасида материалларнинг ўзаро алмаштириш уларнинг сонига кўра такрорланади)

Гурухлар (уларнинг ҳар бир аъзоси) ўз ечимларини битта қутига йигади

Материаллар сўнгги бор алмаштирилгандан кейин ҳар бир гурух (ҳар бир ўқувчи) ўзи бажарган ечимни (гурух раками ва ўзига тешишли белги асосида) танлаб олади

Ҳар бир гурух ва унинг аъзолари ўзларининг ечимларини бошқа гурухларнинг ишлари билан тақкослаб, таҳлил киласди

Ўқитувчи жамоа ёрдамида тўғри жавобларни аниқлайди


Таҳлил асосида ҳар бир гурух ва ўқувчиларнинг фаолияти баҳоланади (бир вақтнинг ўзида ўқувчилар ҳам ўз-ўзини баҳолайди)

«Чархпалак» стратегиясидан барча турдаги ўқув машғулотларининг боши ёки охирида, муайян бўлим (боб) якунида, ўтилган мавзуни такрорлаш чоғида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, стратегия ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг билимларини мустахкамлаш, ўрганилган мавзуларнинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш ва баҳолашда ҳам яхши самара беради.

«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» («ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ») стратегияси

Ушбу стратегия муайян фан асослариға оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хulosаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хulosса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хulosага келиш) учун ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан билдирилаётган ҳар бир варианти таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади. Унга кўра машғулотларда ўқувчи (талаба)лар қуидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув таҳтасидан фойдаланади):



Мазкур стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бевосита маълум лойиха асосида қўлланилади. Лойиха қуидаги кўринишга эга:

Умумий муаммо					
1-қарор варианти		2-қарор варианти		3-қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
ҚАРОР:					

Стратегия қуидаги шартлар асосида қўлланилади:

Машғулот чоғида ўқитувчи энг аввал мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди; гурухлар томонидан қабул қилинган хulosса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди

Ўқитувчи ўкувчи (tinglovchi va kursant)ларни 4 ёки 6 нафардан кичик гурухларга ажратади; муаммони ҳал этиш, оқилона қабул қилиш учун аниқ вақт белгиланади

Қарор қабул қилишда гурухларнинг хар бир аъзоси билдириган вариантнинг мақбул, номақбуллиги батафсил мұхқокама қилиниб, афзаллиги, мухим әмаслиги ёзиг борилади; билдирилган варианtlар асосида муаммони ижобий ҳал этишга ёрдам берадиган усул ҳақида гурух аъзолари бир түхтамга келиб олади

Белгиланган вақт тугагач, ҳар бир гурухнинг лидери гурух қарорини эълон қиласди; билдирилган барча хulosса (қарор)лар ўқитувчи бошчилигида ўзаро қиёсланади

Ўкувчи (tinglovchi va kursant)лар эътиборига ўрганиладиган мавзу ҳавола этилади

Ўкувчи (tinglovchi va kursant)лар Гони қўллаш шартлари билан таниширилади

Ўкувчи (tinglovchi va kursant)лар гурух (жуфтлик)ларга бириктирилади

Белгиланган вақтда ўкувчилар жадвал асосида топшириққа кўра қиёслашни амалга оширади (жадвалнинг чап ва ўнг томонларида бир-бирига зид ҳолатлар кўрсатилади)

Гурух (жуфтлик)лар томонидан тўлдирилган жадваллар ўзаро солиширилади

Масаланинг ечими бўйича якуний хulosага келиниб, ягона жадвал шакллантирилади

Ўқитувчи жамоа ёрдамида барча ишларни таҳлил қилиб, энг яхши ишни аниқлайди

Ўқитувчи гурух (жуфтлик)ларнинг ишини баҳолаб, машғулотга якун ясайди

- Изоҳ:**
1. Муаммо бўйича билдирилган қарорлар юзасидан саволлар туғилса, уларга жавоб қайтарилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади.
 2. Агар барча гурухлар муаммо юзасидан бир хил қарорга келган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

ХУЛОСА

Үқув-услубий тавсияларда кўрсатиб ўтилгани ҳар бир интерфаол метод таълим-тарбия сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи (педагог) ва таълим оловчи (ўқувчи, талаба, тингловчи ва курсант)лар ҳамда ўкувчи (талаба, тингловчи ва курсант)лар гурӯҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим оловчи (ўқувчи, талаба, тингловчи ва курсант)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳит яратишда катта имкониятларга эга.

Интерфаол методлар, ўз моҳиятига кўра, таълим ёки тарбиявий мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминласа-да, бироқ уларнинг ҳар бири таълим ёки тарбия жараёнида самарадорликни таъминлашда турли имкониятларга эга. Шу сабабли ўқитувчи (педагог)лар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, интерфаол методларнинг самарадорлиги уларни қўллашда таълим оловчи (ўқувчи, талаба, тингловчи ва курсант)ларнинг ёши, психологик хусусиятлари, дунёқараши, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, янада ошади,. Бу ўқитувчи (педагог)дан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирилик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Республикада узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи (педагог)лардан ҳар бир интерфаол методнинг моҳияти, хусусияти, қўллаш шартлари билан батафсил танишиб чиқиш, амалий аҳамиятини тўғри баҳолай олиш талаб қилинади. Мазкур ўқув-услубий тавсиялар таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ўқитувчи (педагог)лар учун амалий ва методик манба бўлиб хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Букатов В.М. Педагогические таинства дидактических игр. – М., 2003. – 152 с.
2. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения: Учебное пособие. – М., 2008. – 176 с.
3. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение: Учебное пособие. – М., 2009. – 192 с.
4. Психологопедагогическое сопровождение реализации инновационных образовательных программ / Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. – М., 2007. – 120 с.
5. Ситуационный анализ или анатомия Кейс-метода / Под ред. Ю.П.Сурмина. – Киев, 2002. – 286 с.
6. Современные образовательные технологии: Учебное пособие / Под ред. Н.В.Бордовской. – М., 2011. – 432 с.
7. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения в высшей школе: Учебно-метод. пособие. – Саратов, 2009. – 52 с.
8. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология асослари // «Мактаб ва ҳаёт» журналига илова. – Т., 2003. – 32 б.
9. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 260 б.
10. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан, 2005. – 205 б.
11. Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Ҳ., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 б.
12. http://pedsovet.org/component?option=com_mtree/task,viewlink/link_id,1733/Itemid,118.
13. <http://planeta.tspu.ru/?ur=810&ur1=863&ur2=1037>.
14. <http://www.bj.pu.ru/method/4-13.html>.
15. <http://www.openclass.ru/communities/6134>.
16. http://ru.wikipedia.org/wiki/Методы_обучения.
17. <http://www.anovikov.ru/artikle/forms.htm>.
18. http://letopisi.ru/index.php/Интерактивные_методы_обучения.
19. <http://paidagogos.com/?p=124>.
20. http://innarusskova.ru/publ/interaktivnoe_obuchenie/1-1-0-6.
21. <http://www.sportedu.by/Student/Student.php?ind=8>.
22. <http://www.emer.kz/activity/obu4enie/maximum.php>.

МУНДАРИЖА

СҮЗ БОШИ 3

I БҮЛІМ.

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Интерфаол таълим ва унинг дидактик имкониятлари 4

II БҮЛІМ.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШИ

«Ақлий ҳужум» стратегияси	11
«Балиқ скелети» график органайзери	12
«Бахс-мунозара» стратегияси	13
«Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим» (БББ) график органайзери ..	14
«Блиц-сўров» методи	15
«Бумеранг» стратегияси	16
«Венн диаграммаси» график органайзери	17
«Видеотопишмоқ» стратегияси	18
«Ягона давра» стратегияси	19
«Дебат» технологияси	20
«Ёзма иш» стратегияси	19
«Жадвал» график органайзери	21
«Инсерт» график органайзери	22
«Кейс-стади» (ёки «Ўқув кейслари») методи	23
«Беш минутли эссе» стратегияси	26
«Кластер» график органайзери	27
«Концептуал жадвал» график органайзери	28
«Кундалик» стратегияси	29
«Моделлаштириш» методи	29
«Муаммоли вазият» стратегияси	30
«Муаммо» стратегияси	30
«Нилуфар гули» технологияси	32
«Савол-жавоб» методи	33
«CWOT-таҳлил» стратегияси	34
«Сұхбат» методи	35
«Схема» стратегияси	36
«Тақдимот» стратегияси	36
«Тест» технологияси	37
«Т-жадвал» график органайзери	38
«Чархпалак» стратегияси	38
«Қарорлар шажараси» («Қарор қабул қилиш») стратегияси	40
ХУЛОСА	42
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	43

Ўткирбек Хазратқулович МУХАМЕДОВ,
юридик фанлар доктори, доцент;
Махфуза Ҳакимжоновна УСМОНБОЕВА,
педагогика фанлари номзоди;
Санжар Сухробович РУСТАМОВ

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув
машғулотларини ўтказишда фойдаланишлари учун

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

*Муҳаррирлар Б. А. Яров
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов*

Босишга рухсат этилди 25.03.2016. Нашриёт ҳисоб табаги 3,5.
Адади 50 нусха. Буюртма № _____. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.